



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ОИВ/ОИТС НУҚТАИ
НАЗАРИДАН ТАҲЛИЛИЙ ШАРХИ**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ОИВ/ОИТС НУҚТАИ
НАЗАРИДАН ТАҲЛИЛИЙ ШАРҲИ**

ТОШКЕНТ 2019

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ОИВ/ОИТС нуқтаи назаридан таҳлилий шарҳи. – Тошкент. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. 2019 й. 40 б.

Масъул муҳаррир академик А.Х.Сайдов

Муаллифлар: К.Ш.Арсланова, О.О.Ахмадов

Ушбу рисолада ОИВ/ОИТС нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиб бўйича асосий давлат идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти масалаларини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлар тақдим этилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТ ГМЖБ)га мазкур рисолани тайёрлаш ва нашр этишда кўрсатган кўмаги учун ўз миннатдорлигини билдиради.

**Ушбу ҳужжат расмий таҳрирсиз чоп этилмоқда, унинг мазмуни БМТ ГМЖБ ёки иштирокчи ташкилотлар фикри ёки сиёсий принципларини акс этиши шарт эмас ҳамда бирон-бир қўллаб-қувватлашни англатмайди. Мазкур ҳужжатда қўлланиладиган белгилар ва материални баён этиш БМТ ГМЖБ томонидан муайян мамлакат, худуд ёки шаҳар ёхуд улардаги ҳокимиятлар, уларнинг чегараларини делимитация қилишга доир ҳуқуқий мавқеи юзасидан бирон бир фикр билдиришини англатмайди.*

© К.Ш.Арсланова, О.О.Ахмадов, 2019 й.

© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2019 й.

© БМТ НЖҚҚБ, 2019

МУНДАРИЖА

Кириш 6

Биринчи боб.

ОИВ/ОИТС нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий ва дастурий таъминоти 9

1.1. ОИВ инфекцияси тарқалишини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари.....15

1.2. ОИВ/ОИТС соҳасида қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.....17

1.3. ОИВ/ОИТС нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқларининг дастурий таъминоти18

Иккинчи боб.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишнинг давлат томонидан ҳуқуқий тартибиға солиниши ва мувофиқлаштирилиши 20

Учинчи боб.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли..... 31

Хуроса 33

Илова:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш масалалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати.....35

Кириш

Ҳозирги кунда дунёда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ОИВ/ОИТС эпидемиясига қарши курашишда мұхим қурол эканлиги ҳақида аниқ қараш мавжуд. Бунда нағақат ОИВ-инфекцияси билан яшаётган одамлар, уларнинг оила аъзолари ва юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки ҳар бир инсоннинг ОИВ юқиши усуллари ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиш, профилактика, даволаниш ва парваришиш чоралари ва воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисида ҳам гап бормоқда.

ОИВ/ОИТС муаммосига инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ёндашув мақбул ҳуқуқий ва ижтимоий мұхитни яратишга кўмаклашади, унда ОИВ билан яшаётган одамлар эпидемияга қарши курашиш ва жамоат ҳаёти стратегиясини ишлаб чиқишида иштирок этишга барча имкониятларга эга бўлган тўлақонли фуқаролар сифатида қаралади. Бундан ташқари, ОИВ билан яшаётган одамлар **ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига қарши кураш ва аҳолининг ОИВ/ОИТС ҳақида профилактик маълумотлардан хабардор бўлиш ҳуқуқи касаллиқдан қўрқиши**, ОИВ инфекцияси билан касалланганлар камситилишининг олдини олиш ва мамлакатда изчил амалга оширилаётган профилактик дастурлар самарадорлигини оширишга кўмаклашиши мумкин.

ОИВ/ОИТС эпидемияси инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва жамият хавфсизлиги манфаатлари нисбати муаммосини долзарблаштиради. Одамларнинг ўз соғлиғига нисбатан масъулиятсизлиги, ОИВ билан касалланишга олиб келувчи ҳаётий мұхим ва хавфли вазиятларда хулқ-атворга доир ҳуқуқий меъёрларни қасддан бузиш бошқа инсонларнинг ўз хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлашга бўлган қонуний ҳуқуқларини бузади.

Фаолияти инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган барча давлат тузилмалари ОИВ/ОИТС билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши кураш соҳасида соғлиқни сақлаш тизимини яна-да ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси бўйича вазиятни барқарорлаштиришга эришиш мақсадида ОИВ инфекцияси эпидемия тарзида тарқалишига йўл қўймаслик бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда Хукумат, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар миллий ва халқаро тажрибага ҳамда қатор халқаро ҳужжатларда, жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 8 сентябрдаги 55/2 сонли Резолюцияси билан қабул қилинган **БМТнинг Мингийиллик декларацияси**, 2004 йилдаги Европа ва Марказий Осиёда ОИВ/ОИТСга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги **Дублин декларациясида** акс этган мажбуриятларга риоя этган ҳолда ОИВ инфекцияси эпидемияси тарқалишига қарши кураш бўйича энг илғор амалиётларга асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг ОИВ/ОИТС соҳасидаги қонунчилиги соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш ва наркотиклар ноқонуний айланмасига қарши кураш соҳаларидағи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат. ОИВ/ОИТС соҳасида асосий тартибга соловчи ҳужжат бу 2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқа-**

радиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тұғрисида»ги қонунидир¹.

«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тұғрисида»ги қонунда:

- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган;
- мазкур фаолият тури учун масъул давлат органлари, уларнинг аниқ ваколатлари акс этган;
- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини муво-фикалашириш бўйича Республика комиссияси мавқеи мустаҳкамланган;
- Республика ОИТСга қарши курашиш маркази ва унинг ҳудудий тузилмалари ваколатлари белгиланган;
- мазкур соҳада фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган;
- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир аниқ чора-тадбирлар му-стаҳкамланган;
- ОИВни юқтириб олганлар ва хавф гуруҳида бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича комплекс стратегия, ахолига тиббий ёрдам (ташхис, даволаш, парвариш ва қўллаб-қувватлаш) Республика ОИТСга қарши курашиш маркази ва 14 та минтақавий - Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказларидан иборат давлат умуммиллий тармоғи орқали амалга оширилади.

Мамлакатимизда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва ОИВга доир анализни амалга оширадиган 80 дан зиёд ташхис лабораториялари фаолият юритади. Тасдиқловчи анализ учта лабораторияда ўтказилади. Барча ОИТСга қарши курашиш марказларида ОИВни юқтирган одамларнинг клиник ҳолати, иммун мавқеи ва вирус юкини динамикада аниқлаш бўйича лаборатория таҳлилларини ўтказиш учун имконият яратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатда 140 дан зиёд «ишонч хоналари» мавжуд бўлиб, улар аҳолининг ОИВга нисбатан заиф бўлган гуруҳларини ахборот-таълим хизматлари, маслаҳат бериш, шприц ва игналарни алмаштириш билан тъминлайди ҳамда зарурат бўлганда, мурожаат этганларни турли тиббий ва психологик ёрдам олиш учун тегишли муассасаларга юборади.

ОИВ инфекцияси тарқалишига самарали қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2014 йилдан бошлаб Ўзбекистонда давлат бюджети ҳисобидан давлат маблағлари улушини босқичма-босқич ошириш йўли билан ретровирусга қарши терапия тақ-

1 «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», 2013 йил, 9-сон, 239-модда

дим этила бошланди. 2017 йилда ОИВни юқтириб олганларни даволаш учун давлат ҳисобидан 1,8 миллион АҚШ доллари сарфланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ барча беморларни давлат бюджети ҳисобидан даволашга босқичма-босқич ўтиш вазифаси қўйилган.

Ушбу Тахлилий шарҳ барча манфаатдор ташкилотлар эътиборини ОИВ билан яшовчи одамлар ва уларнинг яқинлари хукуқларини ҳимоя қилишнинг миллий стандартларига қаратишга уринишdir.

Биринчи боб.

ОИВ/ОИТС нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий ва дастурний таъминоти

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиб ва ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши кураш соҳасидаги бошқа халқаро тамойиллар ва меъёрларни эътироф этган ҳолда, инсон ҳуқуқларини ОИВ-инфекцияси нуқтаи назаридан ҳимоя қилишга доир ўз ҳуқуқий базасини шакллантириди.

ОИВ билан яшовчи шахслар ва ушбу муаммо билан боғлиқ бошқа фуқароларни камситмасликнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган.

Конституциянинг 18-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принциплариға мос бўлиши шарт.

Конституциянинг **19-моддасига** кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. **Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.**

Конституциянинг **24-моддасига** мувофиқ, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига сунқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашибдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга (Конституциянинг 27-моддаси).

Барча тоифадаги аҳоли ҳуқуқларининг кафолатлари Конституциянинг **30-моддасида** белгиланган, уларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади (Конституциянинг 32-моддаси).

Асосий қонуннинг **35-моддасига** мувофиқ, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Барча фуқаролар ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини амалга оширишга ҳақли, бу Конституциянинг **36-42 моддалари** билан кафолатланган. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли; меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш; ҳақ тўланадиган меҳнат таътили; ижтимоий таъминот; малакали тиббий хизматдан фойдаланиш; билим олиш ва илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳуқуқига эгадир.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига (**43-моддаси**) мувофиқ, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Бундан ташқари, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди (шу жумладан, ОИВ/ОИТСга қарши кураш масалалари бўйича), уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради (Конституциянинг 58-моддаси). Ушбу меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»¹, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»², «Жамоат фондлари тўғрисида»³, «ННТлар фаолияти кафолатлари тўғрисида»⁴, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»⁵, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»⁶, «Экологик назорат тўғрисида»⁷, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»⁸ ги қонунларида батафсил ифода этилган.

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади (Конституциянинг **62-моддаси**).

65-моддада болаларга, уларни камситишдан ҳимоя қилишга эътибор қаратилади. Унда таъкидланганидек, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Шундай қилиб, конституциявий меъёрлар ва тамойиллар таҳлили Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг бирон бир ҳуқуқларини, шу жумладан, унинг соғлиғи ва ижтимоий ҳолатига қараб чеклаш мавжуд эмаслигини кўрсатади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасига ва бошқа халқаро ҳужжатларга кўра, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини чеклаш фақат қонунларда ва фақат бошқа инсонлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда фақат жамиятдаги одоб-аҳлоқ тамойиллари ва жамоатчилик тартибини таъминлаш учун ўрнатилади.

1996 йил 29 августда қабул қилинган «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»⁹ ги қонуннинг 13-моддасига кўра:

1 См. Ведомости Верховного Совета Уз ССР, 1991 г., N 4, ст. 76

2 Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», 1999 йил, 5-сон, 115-модда

3 Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», 2003 йил, 9-10-сон, 141-модда

4 Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», 2007 йил, 1-сон, 2-модда

5 Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», 2014 йил, 5-сон, 127-модда

6 См Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», 2014 йил, 9-сон, 247-модда

7 Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», 2013 йил, 12-сон, 352-модда

8 <http://lex.uz/docs/3679092>

9 Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», 1996 йил, 9-сон, 128-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат фуқароларда **касалликларнинг ҳар қандай шаклларидан қатъи назар**, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси)** тарқалишига қарши курашиш түғрисида»ги қонун ҳозирги кунда базавий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унга ОИВни юқтириб олган шахслар ва аҳолининг бошқа заиф гурухлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий халқаро стандартлари имплементация қилинган.

Қонунда **ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш жараёни, унинг тушунчаси** белгиланган.

ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш - текширувдан ўтаётган шахснинг соғлиғи ҳолатини ўрганиш ва баҳолашдир, бунда ОИВ мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслиги аниқлади.

Биринчидан, ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ барча даволаш-профилактика муассасаларида **ихтиёрий, мажбурий ёки ғайриихтиёрий тартибда** амалга оширилиши мумкин.

Иккинчидан, ОИВга тиббий текширувдан ўтказишида текширувдан ўтаётган шахс билан дастлабки ва кейинги маслаҳатлашув амалга оширилади.

Учинчидан, вояга етмаганларни ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларни ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш уларнинг қонуний вакиллари розилиги билан амалга оширилади.

Тўртинчидан, давлат соғлиқни сақлаш тизимининг лабораториялари томонидан ўтказиладиган текширувларнинг ОИВ мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги түғрисидаги натижаси текширувдан ўтаётган шахсга унинг илтимосига кўра, вояга етмаганларга ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга эса, уларнинг қонуний вакилларига дастлабки маслаҳатлашувни амалга оширган даволаш-профилактика муассасасида берилади.

Бешинчидан, текширувдан ўтаётган шахсда ОИВ аниқланган тақдирда, у билан кейинги маслаҳатлашув ўтказилади ҳамда у диспансер ҳисобига қўйилади, мазкур шахс ўзга шахсларга ОИВ инфекциясини юқтирганлик учун жиноий жавобгарлик түғрисида ёзма равишда огоҳлантирилади.

Олтинчидан, вояга етмаганларда ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларда ОИВ аниқланган тақдирда, тиббий муассасалар ходимлари бу ҳақда уларнинг қонуний вакилларини ҳамда вояга етмаганлар ёхуд муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар турган муассаса раҳбарини хабардор қиласи.

Еттинчидан, текширувдан ўтаётган шахснинг илтимосига кўра ОИВ мавжуд эмаслиги түғрисида сертификат берилиши мумкин. ОИВ мавжуд эмаслиги түғрисида сертификат бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фақат ОИТСга қарши курашиш марказларида ҳақ эвазига амалга оширилади (13-модда).

Қонунда белгиланганидек, **ихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш** текширувдан ўтаётган шахснинг хоҳишига кўра, **махфийликка** риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Текширувдан ўтаётган шахснинг илтимосига кўра ихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш **аноним** бўлиши мумкин (14-модда).

Қуидагилар **мажбурий равища ОИВга тиббий текширувдан үтказилиши** керак:

- қон, биологик суюқликлар донорлари;
- эллик ёшгача бўлган никоҳланувчи шахслар;
- ҳомиладор аёллар;
- инъекция орқали гиёхвандлик воситаларини истеъмол этишда гумон қилинаётган шахслар;
- ОИВни юқтириб олган оналардан туғилган болалар;
- ўз фаолиятида қон, биологик суюқликлар, одам органлари ва тўқималари билан ишловчи тиббиёт ходимлари;
- жинсий шеригида ОИВ аниқланган шахслар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишувга кўра рўйхати белгиланадиган айrim касбларда ишловчи ходимлар ишга кираётганда, дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтаётганда мажбурий равища ОИВга тиббий текширувдан ўтади (15-модда).

Қонунга мувофик, текширувдан ўтаётган шахсни **ғайриихтиёрий равища ОИВга тиббий текширувдан үтказиш** қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки суд ажримига кўра амалга оширилади (16-модда).

ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш ОИТСга қарши курашиш марказларида, жойлардаги даволаш муассасаларида амалга оширилиши туфайли **«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»** қонунига кўра улар **беморлар мавқеига** ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда **ОИВни юқтириб олган шахслар ҳамда ОИВ инфекцияси юзиши хавфи остида бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари** мустаҳкамланган, булар:

- ОИВга тиббий текширувдан ўтиш;
- маслаҳат олиш;
- тиббий текширув натижалари тўғрисида ёзма жавоб (сертификат) олиш;
- бошқа шахсларни ОИВ-инфекцияси юқсанлиги учун жавобгарлик ҳақида хабардор қилиш;
- ОИВга тиббий текширувдан ўтишнинг маҳфийлиги;
- ОИВга тиббий текширувдан ихтиёрий ўтишнинг аноним бўлиши;
- ОИВ муносабати билан бепул тиббий ёрдам олиш ва даволаниш;
- ўз ҳуқуқлари, касаллик тузи ва даволаш усувлари ҳақида хабардор қилиш;
- 18 ёшга тўлмаган ОИВни юқтириб олган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВни юқтириб олганлар, касаллик босқичидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар ойлик ижтимоий нафақа ва ногирон болалар учун имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга.

ОИВни юқтириб олган болаларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ишдан вақтинча озод қилинган ва вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини

олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда болалар билан бирга даволаш-профилактика муассасасида стационар шароитларда бўлиш ҳуқуқига эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда болалар ўртасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш камайиши кузатилмоқда. 2017 йилда республика бўйича ОИВ инфекциясини юқтириб олган болалар сони 538 тани ташкил этган (2016 й.- 580 ҳолат, 2015 й.- 659 ҳолат). ОИВ инфекциясини юқтириб олганлар рўйхатида 18 ёшгача болалар улуши 13,4 фоизни ташкил этган.

Республикада ОИВ инфекцияси онадан болага ўтишининг олдини олишга ва соғлом бола туғилишига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 4 мартағи 81-сон ҳамда 2015 йил 25 мартағи 123-сон буйруқлари асосида барча ҳомиладор аёллар ҳомиладорлик даврининг биринчи уч ойлигиде ОИВга тиббий текширувдан ўтади. 2017 йилда 724460, 2016 йилда 708049 ҳомиладор аёллар тиббий кўрик билан қамраб олинган.

ОИВ инфекцияси ҳомиладор аёллар орасида 2017 йилда 170, 2016 йилда – 219 ҳолатда аниқланган. 2017 йилда ҳомиладор аёлларни ретровирусга қарши терапия билан қамраб олиш 94,5 фоизни, ОИВни юқтириб олган оналардан туғилган болалар - 98,94 фоизни ташкил этди. 2017 йилда ОИВнинг вертикал тарзда юқиши улуши 1,4 фоизга тенг бўлди.¹⁰

Қонунга кўра ОИВ билан яшаётган одамларга нисбатан қўйидагиларга йўл қўйилмайди:

- меҳнат шартномасини бекор қилишга, уларни ишга қабул қилишни рад этишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатда назарда тутилган айrim касбий фаолият турлари мустасно;
- таълим муассасаларига, бундан таълим муассасаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган айrim турлари мустасно;
- тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларга қабул қилишни рад этишга;
- ОИВни юқтириб олганлар ва улар оила аъзоларининг турар жой ҳуқуқларини, бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга йўл қўйилмайди.

ОИВ инфекцияси юқсан шахснинг соғлиғига тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ўз касбий мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида **етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт**.

Қонун **ОИВ инфекцияси юқсан шахслар ҳуқуқлари чекланган ҳолатларни** кўзда тулади, яъни улар қон ва биологик суюқликлар донорлари ҳамда бошқа фаолиятни бајара олмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 7 майда тасдиқланган **Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари рўйхати** ОИВни юқтириб олган шахслар ишлаши ман этилган 9 турдаги касбий фаолиятни қамраб олган.

Касбий фаолият турларининг олдинги рўйхатидан фарқли равишда мазкур рўйхатдан ташхис ва даволаш-профилактика муолажалари билан боғлиқ ишлар, тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ишлар, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, вакцина ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, массаж муолажаларини ўтказиш, спортнинг контакт турлари бекор қилинган¹¹.

10 http://www.unaids.org/sites/default/files/documents/UZB_2018_countryreport.pdf
11 <http://lex.uz/docs/2384572>

ОИВ-инфекцияси билан яшаётган одамлар илгари ўзлари ишлаган **ташкilotда ўз мөхнат фаолиятини давом эттиришга ҳақли**, аммо юқорида келтирилган касблар бундан мустасно. Бундай ишларда ушбу тоифадаги ходимлар ишлашига рухсат берганлик учун жавобгарлик ташкilotлар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Таъкидлаш зарурки, ОИВ-инфекцияси билан яшаётган одамлар бемор сифатида Ўзбекистон Республикасининг «**Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунида** белгиланган кенг доирадаги ҳуқуқларга эга. Жумладан, унда ОИВ/ОИТС билан касалланганлар ҳуқуқий мавқеини кучайтирувчи қўйидаги муҳим меъёрлар мустаҳкамланган:

Фуқаролар соғлиққа таъсир этувчи омиллар ҳақида, шу жумладан яшаш ҳудудининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги тўғрисида, овқатланишнинг оқилюна нормалари хусусида, товарлар, ишлар, хизматлар, уларнинг хавфсизлиги, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида ўз вақтида ва аниқ **ахборот олиш ҳуқуқига** эга (15-модда).

Касал бўлиб қолганда, мөхнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, мөхнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлиш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан вақтинча мөхнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган **тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига** эга.

«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун фуқаронинг тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши, тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлиғига зарар етказилган тақдирда қўрилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин (24-модда).

Фуқароларнинг ўз соғлиғининг ҳолати тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқи деганда ҳар бир фуқаро ўз соғлиғининг ҳолати тўғрисида маълумот, шу жумладан текшириш натижалари, қандай касали борлиги, қандай ташхис қўйилганлиги, касалликнинг бундан буён қандай кечишига оид тахминлар, даволаш усувлари ва бу усувлар билан боғлик хавф-хатар, тиббий аралашувнинг эҳтимол тутилган турлари ва уларнинг оқибатлари, амалга оширилган даволашнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни олиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилади.

Фуқаронинг соғлиғи ҳақидаги маълумотни унинг ўзига, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахслар ҳамда қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни эса уларнинг қонуний вакилларига даволаш-профилактика муассасасининг даволовчи шифокори, бўлим мудири ёки текшириш ва даволашда бевосита қатнашаётган бошқа мутахассислар беради.

Касалликнинг кечиши номақбул деб тахмин қилинган ҳолларда бу ҳақда фуқарога ва, башарти унинг ўзи оила аъзоларига хабар қилишни тақиқламаган ва (ёки) бундай маълумот берилиши учун бирор шахсни тайинламаган бўлса, беморнинг оила аъзоларига тиббий-одоб меъёрларига риоя қилган ҳолда хабар қилиниши керак.

Фуқаронинг талабига мувофиқ унга соғлиғининг ҳолатини акс эттирувчи тиббий ҳужжатлардан кўчирмалар берилади.

Фуқаронинг тиббий ҳужжатларида акс этган маълумотлар шифокорлик сири бўлиб, у аҳволи оғирлиги сабабли ўз хоҳиш-иродасини билдира олмайдиган фуқарони текшириш ва даволаш мақсадида; юқумли касалликлар тарқалиши, ялпи заҳарланиш ва зарарланиш хавфи таҳдид соганида; тергов ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билан суриштирув ва тергов органларининг, прокуратура ва суднинг сўрови бўйича; ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсга ёрдам кўрсатилаётганда унинг ота-онаси ёки қонуний вакилларини хабардор қилиш учун; фуқаронинг соғлиғига ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки баҳтсиз тасодиф натижасида зарар етказилган деб гумон қилишга асослар мавжуд бўлганида фуқаронинг розилигисиз тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг **«Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»**¹²ги қонунида (2002 й.) донор бўлишга розилик билдирган шахс тиббий кўриқдан ўтиш пайтида ўзи билган илгариги ва ҳозирги касалликлари тўғрисидаги маълумотларни маълум қилиши шарт.

ОИВни юқтириб олганлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги қарори асосида **Амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифалари рўйхатига**¹³ киритилган.

1.1. ОИВ инфекцияси тарқалишини олдини олиш-нинг ҳуқуқий асослари

«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ОИВга текшируvdan шартли ва мажбурий равишда ўтиш асосида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар белгиланган.

ОИВни юқтириб олганлар:

- тиббиёт ходимлари томонидан тавсия этилган ОИВ инфекциясини тарқатмасликка доир чора-тадбирларни бажариши;
- соғлом одамлар билан мулоқотда эҳтиёт чораларига риоя этиши;
- жинсий шеригини, шунингдек тери ва шиллик қатламларнинг яхлитлигини бузувчи муолажаларда санчиладиган ва кесадиган асбоблардан фойдаланадиган тиббиёт ходимларини ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларини ўз касаллиги тўғрисида хабардор этиши шарт (19-модда).

«Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонуни билан қўйидаги-лар белгиланди:

- қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг ихтиёрийлиги;
- қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг инсон учун безараарлиги;
- донор қони ва унинг таркибий қисмларини ишлатиш хавфсизлиги (4-модда).

Қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг инсон учун безараарлилиги қон билан ишлаш хизмати томонидан донор бўлишга розилик билдирган шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш, қон ва унинг таркибий қисмларини олишда тиббиёт ходимларининг санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этиши, шунингдек қон ва унинг

12 Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 2002 йил, 9-сон, 162-модда

13 Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил, 30-сон, 387-модда

таркибий қисмларини топширишнинг даврийлиги ва ҳажмига риоя этилиши орқали таъминланади (6-модда).

Донор қони ва унинг таркибий қисмларини ишлатиш хавфсизлигини таъминлаш соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасаларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Тиббиёт ходимлари донор қони ва унинг таркибий қисмлари сифати ҳамда хавфсизлигини кафолатловчи белгиланган стандартларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишлари шарт (7-модда).

Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш олдидан шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда уларнинг саломатлиги тўғрисида ҳужжат бериш бепул амалга оширилади (9-модда).

«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олиш, шунингдек касб фаолиятига оид касалликларнинг олдини олиш мақсадида мулк шаклидан қатъий назар бир қатор касб ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ходимлари ишга кириш пайтида дастлабки мажбурий тиббий кўриқдан ҳамда кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриклардан ўтиб бориши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг¹⁴ 49-моддасига кўра, никохланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **«Никохланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»¹⁵**ги қарорига кўра, никохланувчи шахслар ОИВ/ОИТСга текширишдан ўтиш учун яшаш жойидаги **яширин текшириш хонасига** ёки ОИТС марказларига мурожаат қиладилар.

Яширин текшириш хонасида тестгача бўлган маслаҳат берилади ҳамда ОИВ/ОИТС касаллиги бўлиши эҳтимолини кўрсатувчи анамнестик маълумотлар ва клиник белгилар мавжуд бўлган тақдирда текширилаётган шахснинг қони туман ёки туманлараро ОИТС ташхис қўйиш лабораториясига юборилади.

Никохланувчи шахслар никоҳ қайд этилгунга қадар иккинчи томонни тиббий текшириш натижаларидан хабардор қилиши шарт.

Никоҳни қайд этувчи шахслар тиббий кўрик натижалари тўғрисидаги ахборотнинг маҳфийлиги учун жавоб берадилар.

Кўрикни ўтказган врач қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрик натижаларининг холислиги учун шахсан жавоб беради.

ФХДЁ органлари ходимлари уларга никоҳни қайд этиш давомида маълум бўлган шифокор сири ҳисобланган маълумотларни ошкор этганликлари учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

2011 йил 20 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида чет эл ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни қўллаш тартиби ҳақидаги Йўриқномада Ўзбекистонда ишлашни истаган чет эл фуқаролари ОИВ инфекцияси мавжуд эмаслиги ҳақида сертификатни тақдим этиши шартлиги ва меҳнат шартномаси узайтирилган тақдирда, такроран тақдим этилиши кўзда тутилган.

14 Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Т. – «Адолат», 2013 й.

15 Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2003 йил., 15-16-сон, 136-модда

Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 30 мартдаги буйруғи билан **Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг ОИВ инфекциясига оид баённомаларини жорий этиш** бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди, жумландан, даволаш-профилактика муасасаларида беморлар ва тиббий ходимларнинг ихтиёрий маслаҳат олиши ва тестдан ўтиши, ОИВни юқтириб олган шахсларга барча турдаги тиббий хизматларни, хусусан, ташхиснинг махфийлигини сақлаган ҳолда бошқа йўналишдаги тор мутахассислар маслаҳат бериши ташкил этилди.

ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикасини таъминлашга **2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»¹⁶**ги қонун муайян ҳисса қўшди.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш мувассасалари алкоголизмга, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф соловчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш, текширувдан ўтказиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;

ОИВ инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни бажариш учун мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади

Таъкидлаш лозимки, ОИВ/ОИТС профилактикаси ва ОИВни юқтирган шахсларга самарали тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари Ўзбекистон Республикаси санитария қоидалари ва меъёрлари, гигиена нормативлари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари билан ҳам тартибга солинади.

1.2. ОИВ/ОИТС соҳасида қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида қўйидагилар учун жазо чоралари назарда тутилган:

- эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузиш, таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш;
- таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш;
- таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши;
- ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан:

- фуқаролар тенг ҳуқуқлилигини бузганлик;
- таносил касалликлари ёки ОИВ инфекцияси/ОИТСни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган.

2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарни қоплаш билан боғ-

лик жами 161 та (2017 йил биринчи ярим йиллигиде - 254) фуқаролик ишлари кўриб чиқилган, улардан 128 (221) таси қаноатлантирилган.

Мамлакат бўйича судларда 2016 йилда 25 та жиноий ишлар бўйича 25 шахс Жиноят кодексининг 113-моддаси (Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш)га кўра айбдор деб топилган, улардан 21 нафарига озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилган, 1 шахсга – озодлигини чеклаш, 1 шахсга – шартли озод этиш ва 2 шахсга амнистия қўлланилган.

2017 йилда 27 жиноий ишлар бўйича 29 шахс Жиноят кодексининг айнан ўша моддаси бўйича айбдор деб топилган, улардан 17 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш, 8 шахсга – озодликни чеклаш, 1 шахсга – жаримага тортиш, 2 шахсга шартли озод этиш чоралари кўрилган.

2018 йилнинг 6 ойи мобайнида 16 жиноий ишлар бўйича 16 шахс айбдор деб топилган, улардан 8 нафарига нисбатан озодликдан маҳрум этиш, 5 нафарига – озодликни чеклаш, 1 нафарига – тузатиш ишлари, 1 шахсга нисбатан – жаримага тортиш чоралари қўлланилган.

1.3. ОИВ/ОИТС нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқларининг дастурний таъминоти

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан, ОИВ-ни юқтириб олган шахслар ҳуқуқларини нафақат қонунчилик, балки дастурлар асосида таъминлаш тизими яратилди.

ОИВ/ОИТС билан касалланганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ушбу касалликнинг олдини олишга ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурлари катта ҳисса қўшмоқда, улар ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқаролар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Таъкидлаш лозимки, ОИВ/ОИТСга қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ҳамда мазкур соҳадаги вазиятни чуқур таҳлилларни қамраб олган ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича стратегик ва миллий режалар, Давлат дастурлари мунтазам равища қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш Давлат дастури қабул қилинган, унда қуидагилар кўзда тутилган:

- эпидемик вазиятни, касалланишнинг ижтимоий-демографик жиҳатларини, минтақадаги эпидемик жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи омиллари таҳлилини ҳисобга олган ҳолда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ҳудудий режаларни қабул қилиш;
- аҳоли ва ўқувчи ёшлар ўртасида нодавлат нотижорат ташкилотларни, диний конфессиялар раҳбарларини жалб этган ҳолда профилактик ишларни ўтказишни қайтириш;
- ОИВ инфекциясига тест ўтказишни қамраб олишни кенгайтириш, ОИВ инфекци-

ясини юқтириш хавфи юқори бўлган гурухлар ўртасида профилактик тадбирлар ўтказиш, ретровирусга қарши препаратлар, хамроҳ касалликларни профилактика қилиш ва даволаш учун препаратлар, ОИВни юқтириб олган оналардан туғилган 6 ойгача бўлган болаларни қуруқ сут аралашмалари билан таъминлашга маблағлар ажратиш;

- ОИВ инфекциясини профилактика қилиш, ташхис ва даволаш борасида илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида қўшма илмий-амалий тадбирларни ўтказиш;
- ташхис лабораториялари ва ОИТСга қарши курашиш бўйича минтақавий марказлар лабораториялари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларни зарур замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 июнданги «Одамнинг иммунитеттанқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ қабул қилинган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирлар самарадорлигини ошириш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларда даволаш-профилактика муассасалари фаолияти ҳақидаги меъёрий-хуқуқий базани янада такомиллаштириш, эпидемиологик назоратни, ОИВ-инфекцияси тарқалиши ва шифохона ички инфекцияларининг профилактикаси назорат қилинишини кучайтириш, тиббий асбобларни стерилизация қилиш ва тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш функцияларини хусусий тузилмаларга бериш орқали давлат тиббиёт муассасаларида давлат-хусусий шерикликни босқичма-босқич жорий этиш каби чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Қарорда даволаш-профилактика муассасаларини тест-тизимлар ва ретровирусга қарши препаратлар билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек, республикада ОИВ-инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни барқарор молиялаштириш мақсадида бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорини босқичма-босқич кўпайтириш белгиланган.

Иккинчи боб.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш-нинг давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиниши ва мувофиқлаштирилиши

ОИВ/ОИТСга қарши курашиш халқаро стандартларига кўра, давлатлар ОИВ/ОИТС муаммосига нисбатан мувофиқлаштирилган, умумеътироф этилган иштирокка асосланган ва қарорлар қабул қилиш нуқтаи назаридан шаффоф ёндашувни таъминловчи самарали тузилмани яратишлари лозим. Мазкур тузилма ўзида ҳам стратегияни ишлаб чиқиши, ҳам давлат ҳокимиятининг барча даражаларида дастурлар ижросини бирлаштириши зарур.

Миллий даражада самарали тузилмани ташкил этиш тегишли стратегия ва дастурларни қонунчилик, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинларига интеграция қилишни кўзда тутади.

Халқаро ҳуқук меъёрлари талабларига кўра Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг нафақат конституциявий-ҳуқуқий асослари ва кафолатлари шакллантирилган, балки ташкилий механизм, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш борасида тегишли инфратузилма яратилган.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни таъминловчи қонунчилик, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва уларни ҳимоя қилишни таъминлашда иштирок этувчи қўшимча давлат муассасалари ва нодавлат ташкилотлари ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг миллий тизимини ташкил этади.

ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши ва мувофиқлаштирилишининг асоси **«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»**ги қонунда мустаҳкамланган.

Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, ОИВ-инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида давлат бошқарувини:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширади.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши курашиш соҳасида давлат бошқаруви органлари тизимини бошқаради. Бунинг учун унга қўйидаги ваколатлар берилган:

- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

- одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тұғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;
- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бүйича республика комиссиясининг фаолиятини таъминлайди.

Қайд этиш зарурки, юқорида санаб ўтилган ваколатлар Ўзбекистон **Республикаси Конституциясининг 98-моддасида** белгиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий мавқеидан келиб чиқади.

Мамлакатда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги** асосий роль үйнайди, у Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ қуидаги муҳим ваколатларни амалга оширади:

- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларнинг ўзаро алоқаларини таъминлайди;
- ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга оширади;
- ОИВни юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди;
- даволаш-профилактика муассасалари фаолиятига ОИВ инфекцияси профилактикасида доир замонавий чора-тадбирлар, ОИВни юқтириб олганларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда парваришиш усувлари жорий этилишини таъминлайди;
- ОИВ инфекцияси бүйича эпидемик вазиятни ҳамда ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш борасида қўлланилаётган усувлар самарадорлигини баҳолашга доир тадқиқотларни ташкил этади;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказлари, шунингдек туманлараро ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораториялари замонавий даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланишини таъминлайди;
- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ходимларини ва бошқа ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакаси оширилишини таъминлайди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш, фуқароларнинг малакали тиббий хизмати, давлат томонидан кафолатланган тиббий-санитария ёрдами даражаси ва сифати, аҳолининг барча кўрсатилаётган тиббий хизматлардан тенг фойдаланишга оид конституциявий ҳуқуқларини (шу жумладан, ОИВ/ОИТС нуқтаи назаридан) таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади.

ОИВни юқтириб олган шахслар ўртасида ретровирусга қарши терапияга мойилликни таъминлаш бүйича ишлар ва механизmlарни яхшилаш мақсадида, ОИВни юқтириб олганлар ўртасида ретровирусга қарши терапияга мойиллик йўлидаги тўсикларни ўрганиш бүйича тадқиқотлар ўтказиш, муаммолар, бу борадаги вазифаларни ҳал этиш йўллари ва истиқболларини аниқлаш учун 2017 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ОИВ-

ни юқтириб олган шахслар ўртасида ретровирусга қарши терапияга мойиллик йўлидаги тўсиқларни ўрганиш бўйича тадқиқот ўтказилди.

Шунингдек, олиб борилаётган профилактик ишлар самарадорлигини ўрганиш ва баҳолаш, маълумотларни узлуксиз, тизимли равишда тўплашни амалга ошириш учун 2003 йилдан бошлаб ҳар 2 йилда махсус эпидемиологик тадқиқот - аҳолининг заиф гурухлари (наркотикларни инъекция орқали истеъмол қилувчилар, рағбат эвазига интим хизматлар кўрсатувчи шахслар, эркаклар билан жинсий алоқада бўлувчи эркаклар, меҳнат мигрантлари) ўртасида кузатув эпидемиологик назорати ўтказилади.

2016 йилда Республика ОИТСга қарши курашиш маркази лабораторияси негизида илк бор ОИВ инфекцияси ташхиси қўйилган шахслар орасида инфекция юқган вақтни аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказилди. Мазкур тадқиқот натижалари Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси янги аниқланган ҳолатлар орасида юқтирганлик муддатининг қанчалик тарқалганлиги тенденцияларини кузатиш учун фойдаланилди.

ОИВ инфекциясига қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга: у шахсларнинг деярли кенг доирасини, яъни гиёхванд моддаларни истеъмол қилувчилар, маҳбуслар, мигрантлар ва ишсиз ёшларни қамраб олади. Кўрсатилган аҳоли гурухларининг ҳар бири алоҳида ёндашув ва махсус билимларни ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ўзаро ҳамкорлигини талаб этади.

ОИВ инфекциясидан ҳимоя қилиш тизимида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги катта аҳамиятга эга ва у:

- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- жазони ижро этиш муассасаларидаги ОИВ инфекциясини юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун шароитларни таъминлайди;
- ички ишлар органлари ва муассасалари ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар билан тўлдирилишини, шунингдек уларнинг малақаси оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасининг қамоқда ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ОИВни юқтириб олган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича фаолияти қуидагилардан иборат:

- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ягона тизим фаолият юритишини таъминлаш;
- ОИВни юқтириб олган шахслар профилактикаси, ташхис, бепул махсус даволаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш;
- ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва даволаш воситалари билан таъминлаш ҳамда тиббий препаратлар хавфсизлиги устидан назоратни амалга ошириш;
- ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш;
- шахсий таркиб ва махсус контингентни ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиш;
- аҳолини ОИВга доир тиббий текширувдан бепул, хавфсиз ва махфий ўтказиш учун шароитлар яратиш;
- ОИВни юқтириб олганлар умрини узайтириш, турмуш сифатини ошириш, ўлим ҳолатларини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

ИИВнинг жазони ўташ тизимида маҳсус контингентга тиббий ёрдам кўрсатиш қўйидагиларни қамраб олади: ОИВ инфекциясини юқтириш хавфини камайтириш мақсадида жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларни аниқлаш ва даволаш; ОИВни юқтириб олган шахслар каби маҳбусларнинг заиф гурухларини бошқа маҳбуслар ёки саломатликларига ниҳоятда хавфли бўлиши мумкин бўлган турли юқумли касалликлар (масалан, сил) билан оғриган шахслар томонидан жисмоний зўравонликдан ҳимоя қилишнинг алоҳида чораларини таъминлаш; ОИВга ихтиёрий равишда тест ўтказиш, ҳар доим тест ўтказишдан аввал ва кейин тегишли маслаҳат тақдим этилади.

Жазони ўташ тизимидағи муассасаларнинг ҳар бирида кечаю-кундуз тиббий ёрдам кўрсатиш ташкил этилган, стационар ва амбулатор ёрдам кўрсатувчи тиббий бўлим фолият юритмоқда.

Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 22 декабрдағи **«Қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»** ги буйруғи билан қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тиббий муассасаларда тўлиқ ташхис, маслаҳат, амбулатор ва стационар тиббий ёрдам орқали тиббий хизмат таъминоти масалаларини тезкор ҳал қилиш устидан назорат бўйича мувофиқлаштирувчи комиссиялар тузилган¹.

Юқорида келтирилган буйруқ қўйидагиларни назарда тутади:

- таносил касалликлари кириб келиши ва тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида жазони ўташ жойлари ва тергов изоляторда сақланаётган шахслар учун жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, шу жумладан, ОИВ инфекцияси/ОИТСга қарши профилактика тадбирлари бепул ўтказилишини таъминлаш;
- озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар ёки қамоқда сақланаётган шахсларга тиббий муолажаларни ўтказиш ёки уларни соғлиқни сақлаш органлари профилактика-даволаш муассасаларига стационар даволанишга жойлаштиришда тиббий ходимлар хавфсизлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори билан 2007 йил апрель ойидан ОИВни юқтириб олган ёки ОИТС билан касалланган шахсларнинг тестдан ўтиш ихтиёрийлиги ва мутлақ маҳфийлигига, ҳамда халқаро меъёрларга мувофиқ, мазкур тоифадаги ҳукм этилганларнинг асосий контингентдан ОИВ туфайли изоляция қилинишини рад этишга оид ҳуқуқларини таъминловчи асосий тамоиллар амалиётга жорий этилган.

Жазони ўташ муассасасига келтирилган ҳар бир шахс шартли тарзда тиббий кўрикдан, таносил ва сил касалликларини профилактика қилиш учун комплекс текширувlarдан ўтказилади. ОИВ/ОИТСга текширув ихтиёрий равишда тестгача ва тестдан кейинги маслаҳат беришни таъминлаган ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти методик тавсияларига мувофиқ текширувдан ўтиш учун хабардорлик розилиги бланкини расмийлаштирган ҳолда амалга оширилади. Тергов изолятори ва қамоққа келтирилаётган шахслар тиббий ходимлар томонидан юқумли касалликларни аниқлаш мақсадида кўрикдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов изоляторлари ва жазони ўташ муассасаларида сақланаётган ОИВни юқтириб олган ва ОИТС билан касалланган

¹ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 24-сон

шахсларга ретровирусга қарши терапияни тақдим этиш тартиби тұғрисидаги Йүриқномани тасдиқлаш тұғрисида»ғи 19/16-сонли құшма қарори билан жазони үташ тизими муассасаларида ОИВни юқтириб олган ва ОИТС билан касалланған шахсларга ретровирусга қарши терапия тақдим этилади (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 декабряда 1752-сон билан рүйхатға олинған). Ушбу ҳужжат Үзбекистон Республикасида ОИВни юқтириб олғанларга сифатли тиббий ёрдам күрсатилишини, ретровирусга қарши терапияни үтаётганды беморларни даволашда узилишларға йўл қўймасликни таъминлайди.

2008 йилнинг февраль ойидан Үзбекистон Республикаси пенитенциар тизимида қамоққа олинған ва ҳукм этилган ОИВни юқтириб олған шахслар учун маҳсус терапия олиш имкони яратилди. Даволаш ҳам тергов изоляторларида, ҳам жазони үташ колонияларида үтказилади. Пенитенциар тизими ва фуқаролар соғлиғини сақлаш ўртасида беморларни бир муассасадан иккинчисига үтказиш бўйича ишлар йўлга қўйилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 4 январдаги 3-сонли буйруғи билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи идоралар ва муассасаларни ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасалари билан ОИВни юқтириб олғанларга тиббий ёрдам күрсатиш борасида мувофиқлаштириш чоралари амалга оширилмоқда. Мувофиқлаштириш қуидаги ишларда намоён бўлади:

- Жазони ижро этиш бош бошқармаси Республика ОИТСга қарши курашиш марказига озодликдан маҳрум этиш жойларида ретровирусга қарши терапияни олаётгандарга доир ҳар ойлик ҳисоботларни ретровирусга қарши терапияни олаётганды беморларнинг ягона реестрини юритиш ва препаратларга бўлган эҳтиёжнинг миқдорини шакллантириш учун тақдим этади;
- Марказнинг инфекционист-шифокори ОИВни юқтириб олган беморларни танлаш ва ретровирусга қарши терапия схемасини аниқлаш бўйича комиссия ишида иштирок этади;
- озод этилган вақтдан бошлаб 7 кунлик муддатда озодликдан маҳрум этиш жойларида ретровирусга қарши терапияни олаётганды беморнинг аҳволини кузатиш шакллари нусхалари тегишлилиги бўйича ОИТС марказларига юборилади;
- тақдим этилаётганды буюртмалар асосида Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасалари ОИТС марказларидан ретровирусга қарши препаратларни олади;
- ОИВни юқтириб олган беморларда оппортунистик касалликларни даволаш учун дори воситалари жазони үташ муассасаларига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига тўлиқ таъминланади.

Ҳукм этилганлар учун ихтисослаштирилган шифохона лабораторияси негизида СД-4 ҳужайралар сонини аниқлаш ташкил этилган.

ОИВ инфекцияси масалалари бўйича мутахассисларни доимий ва тизимли равишда тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш мақсадида сүнгги 3 йилда Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасаларининг 50 дан зиёд тиббий ходимлари «ОИВ инфекцияси» туркумидаги ихтисослашиш ва ўз билимларини такомиллаштириш борасида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўқитилди.

ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасаларининг тиббий ходимлари томонидан ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассисларини жалб этган ҳолда «1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни» мавзусида лекциялар ташкил этилади. Уларда гиёхвандликка қарам бўлганларга нисбатан ҳуқуқий жиҳатлар, юқиши йўллари, клиник аломатлари ва ОИВ инфекциясини

профилактика қилиш чоралари ҳақидағи маълумотлар ёритилади. Жазони ўташ муассасаларида мунтазам равишда турли тадбирлар ўтказилади. Жумладан, Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кунига бағишилаб аёллар колониясида «ОИТСдан ўзингни ҳимоя қил – наркотикларга «йўқ» дегин» мавзусида расмлар танловлари ўтказилади, Бутунжоҳон наркотикларнинг ноқонуний айланмаси ва истеъмолига қарши кураш кунида аҳлоқ тузатиш колониясида спартакиадалар ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 2018 йил 22 февраляда 346-сонли «ИИВнинг 2018 йилга мўлжалланган ОИВ инфекциясини профилактика қилиш чора-тадбирлари тўғрисида Секторал режаси» қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачи фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари мутахассисларидан иборат идоралараро ишчи гуруҳ ташкил этилган.

Аҳолининг турли гурухлари вакилларини хабардор қилиш турли манбаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилмоқда. Ёшлар учун ОИВ инфекцияси бўйича ўқув дастурлари таълим тизимиға интеграция қилинган. **Халқ таълими вазирлиги** ўз саъй-ҳаракатларини умумий ўрта мактаб ва мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантириш, педагогик кадрлар касбий даражасини оширишга қаратади, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда болалар ва ўсмирлар ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ҳар томонлама ривожланган ва мустақил фикрлашга қодир шахсни шакллантириш учун шароитларни таъминлайди.

Халқ таълими вазирлиги ОИВ/ОИТС масалалари бўйича ахборот-таълим фаолиятини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 2012 йилдан бошлаб умумтаълим мактабларида бошланғич синф ўқувчилари учун «Саломатлик дарслари», 5-9 синflар учун – «Соғлом авлод асослари», 10-11 синflар учун «Соғлом турмуш тарзи ва оила асослари» машғулотлари ўтказилади, уларда санитария ва гигиена, ҳаётий кўникмалар, ОИВ/ОИТС профилактикаси, заарли одатларнинг олдини олиш, ёшларнинг репродуктив саломатлиги масалалари каби мавзулар ва ўсмирлик давридаги психологик муаммоларнинг яхлит мажмуи кўриб чиқилади.

Халқ таълими вазирлиги БМТнинг Аҳолишунослик фонди билан ҳамкорликда мамлакатнинг барча ҳудудларида 5-11 синф ўқувчилари билимларини яхшилаш мақсадида соғлом турмуш тарзига бағишиланган семинар-тренинглар ўтказди. Вазирлик томонидан ҳар йили «Баркамол авлод» болалар марказлари ўқувчилари орасида тасвирий санъат йўналишида «Биз ОИТС ва гиёҳвандликка қаршимиз» танлови ҳам ўтказилмоқда.

Олий ўқув юртлари ўқув дастурларига ОИВ инфекциясини профилактика қилишга урғу берилган ҳолда хавфсиз ҳаётий ҳулқ-атвор кўникмаларига ўргатиш бўйича масалалар киритилган.

Фаол ҳаётий позицияга эга колледж ўқувчилари «Тенгдош – тенгдошга» тамойили бўйича тенгдошлар ўртасида ОИВ инфекциясини профилактика қилиш борасидаги ишларда иштирок этиш учун кенг жалб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Маҳаллий ҳокимият органлари ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида қўйидаги ваколатларга ҳам эга:

- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги худудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлади ва амалга оширади;
- Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш марказини, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказларини, шунингдек туманлараро ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораторияларини замонавий даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда уларни таъмирлаш-реконструкция қилиш ишларини амалга оширишда иштирок этади;
- аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишнинг халқаро стандартларига кўра давлатлар **мазкур соҳадаги фаолиятни мувофиқлаштириш тизимини** яратишга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун Ўзбекистонда ташкил этилган **ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси** каби мувофиқлаштирувчи орган фаолиятини тартибга солади. Мазкур комиссия фаолияти идоралараро хусусиятга эга бўлиб, у нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТлар фаолиятини мувофиқлаштиради, чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари қўйидагиларда иштирок этиши мумкин:

- ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича тадбирларни ўтказиш, ОИВни юқтириб олган шахсларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;
- ОИВни юқтириб олган шахслар ва уларнинг қонуний вакилларига ўз ваколатлари доирасида ҳукуқий, услубий, ахборот ва бошқа ёрдам кўрсатиш;
- ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича маҳаллий урф-одатлардан келиб чиқсан ҳолда аҳоли ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш.

Ушбу Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашнинг самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган.

ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши ва мувофиқлаштирилишини такомиллаштиришда **ОИТСга қарши курашиш марказлари тизими** мухим аҳамият касб этади, жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази;
- Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази;
- вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги қарори билан **Республика ОИТСга қарши кураш маркази вазифалари** белгиланди:

- ОИТСга қарши кураш ҳудудий марказлари фаолиятининг ташкилий-услубий бошқарувини амалга ошириш;
- ОИВ инфекцияси ва ҳамроҳ касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактик, эпидемияга қарши, ташхис, даволаш тадбирларини ўтказиш;
- ОИВ инфекцияси юқиши жадаллигига таъсир қилувчи омиллар фаоллигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича махсус эпидемиологик тадқиқотларни ўтказиш;
- ОИВни юқтириб олган шахсларга уларнинг саломатлиги ва меҳнатга лаёқатлилигини сақлаш учун зарур бўлган ташхис қўйиш ва тиббий ёрдамни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда ОИВ/ОИТС ва ҳамроҳ касалликлар ташхисини амалга оширувчи муассасаларга услубий ёрдам кўрсатиш;
- ажратилган маблағларнинг профилактика, ташхис ва даволаш тадбирларига мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш;
- Ўзбекистонда қўлланилаётган ОИВ/ОИТС профилактикаси, ташхиси ва даволаш усуллари самарадорлигини фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш, миллат генофондини асраш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва баҳолашни ўтказиш;
- ОИВ/ОИТС ташхиси, профилактикаси ва даволашнинг инсон саломатлиги учун хавфсиз усулларини қўллаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини тизимили ўрганиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;
- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш масалалари борасида фаолият юритувчи тиббий ходимлар, бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ва макасини оширишда иштирок этиш.

«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, барча давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўз фаолиятида **ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларига** амал қилиши зарур, у қўйидагилардан иборат:

- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ягона тизимнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш, ОИВни юқтириб олганларни бепул махсус даволаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш;
- ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш воситалари билан таъминлаш, шунингдек ташхис қўйиш, даволаш ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган тиббий препаратларнинг, биологик суюқликларнинг хавфсиз бўлиши устидан назоратни амалга ошириш;
- ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш;
- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш;
- ОИВ мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида аҳолини бепул, хавфсиз ва махфий тиббий текширувдан ўтказиш учун шароитлар яратиш;

- ОИВни юқтириб олганларнинг умрини узайтириш ва турмуши сифатини оширишга, уларнинг ўлимини камайтиришга доир тадбирларни амалга ошириш;
- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

2007 йилда **ОИВ инфекцияси, сил ва безгак тарқалишига қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ҳамда ҳамда донор ташкилотларини тадбирларни амалга оширишга жалб қилиш бўйича Идоралараро эксперт кенгashi (ИЭК) ташкил этилди, унга мамлакат миқёсидаги мувофиқлаштирувчи механизм вазифаси юклатилган.**

ИЭКнинг 2012 йил 19 декабрдаги қарори билан **Мониторинг ва баҳолаш** (Мваб) **бўйича Ишчи гурӯҳ** тузилди, унинг асосий вазифалари сифатида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир дастурлар ижросини мониторинг қилишни амалга ошириш, мазкур касалликларга қарши курашиш бўйича миллий стратегияларни қўллаб-қувватловчи тадбирларни амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, мазкур соҳада тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича ишларнинг устувор йўналишларини шакллантириш белгиланди.

Мониторинг ва баҳолаш (Мваб) **бўйича Ишчи гурӯҳ** аъзолари Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига мониторинг ташрифлари давомида вилоятлар ҳокимликлари, ОИТСга қарши курашиш марказлари, санитария-эпидемиологик назорати, силга қарши диспансерлар вакиллари билан учрашувлар ўтказишади ҳамда «ишонч хоналари» фаолияти билан танишадилар, Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси, вилоят ҳокимликлари, соғлиқни сақлаш, адлия, ички ишлар, ҳалқ таълими бошқармалари, ОИТСга қарши курашиш марказлари, ННТлар вакиллари иштирокида ОИВ/ОИТС, сил ва безгакка қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бағишлиланган «давра суҳбатлари» ўтказишади.

Барча ҳудудларда вилоят ҳамда 2017 йилдан бошлаб туман мувофиқлаштирувчи қўмиталари фаолият юритиб келмоқда.

Вилоят/туман мувофиқлаштирувчи қўмиталари деярли барча вилоятларда ҳар чоракда мажлислар ўтказиб келмоқда ва мазкур мажлислар баённомаларида ОИВ ва силга қарши профилактик тадбирлар, уларни даволаш ва ижтимоий қўмаклашиш масалалари акс этган ва имкон қадар мавжуд муаммолар ҳал этилган. Вилоят/туман мувофиқлаштирувчи қўмиталари аъзолари аксарият ҳолларда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда мазкур касалликлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда иштирок этадилар. Ҳамкорлик меморандумлар имзолаш, қўшма режа ва комплекс жавоб чораларини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Ҳар бир ҳудудда инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича ижобий кўрсаткичлар мавжуд, жумладан:

- вилоят ОИТСга қарши курашиш марказлари ва сил диспансерлари ОИВ инфекцияси ва сил ҳолатлари аниқланган ҳолда беморлар учун зарур бўладиган керакли миқдордаги дори воситалари билан таъминланган;
- эмизикли гўдаклари бўлган оналарга ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда;
- ННТлар билан ҳамкорликда барча аҳоли қатламлари орасида соғлом турмуш тарзи бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, алоҳида эътиборни талаб этадиган жиҳатларни ҳам қайд этиш лозим:

- ҳар бир ҳудудда ОИВ инфекцияси юқишининг асосий йўлига айланган ОИВ-нинг жинсий йўл билан юқиши кўрсаткичлари ўсиши кузатилмоқда;
- ўтказилаётган идоралараро тадбирлар самарадорлиги етарлича бўлмаганлиги сабабли ОИВ инфекцияси бўйича олиб борилаётган профилактика ишлари кутилаётган натижаларни бермаяпти;
- ишонч хоналари ассистентлари ва аутрич-ходимларини уларнинг фаолияти билан боғлиқ янги ёндашувлар, қоида ва тартиб-таомиллар тўғрисида хабардор қилган ҳолда мунтазам равишда ўқитиш талаб этилмоқда;
- аутрич-ходимларининг улар ҳақидаги маълумот ва сурати, қисқача лавозим вазифалари таърифи келтирилган шахсий ахборотларни акс эттирувчи хужжат (бейджик) билан таъминланмаган;
- ННТ ва мультидисциплинар жамоалар томонидан ОИТСга қарши курашиш марказлари билан ҳамкорликда ретровирусга қарши терапияга юқори мойилликни яхшилаш учун янги, янада самарали ёндашувлар етарлича ишлаб чиқилмаган;
- ОИВ юқиши йўллари, унинг профилактикаси масалалари тўғрисида аҳолининг нотўғри хабардорлиги.

Ҳудудларда тақдим этилган маъruzаларни, ОИВ инфекциясига қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича вазиятдан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- мазкур соҳада юқори малакали тиббий кадрларни тайёрлаш мақсадида тиббий, психологик ва ижтимоий жиҳатларни ҳисобга олувчи тиббий ўқув юртлари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;
- бирламчи бўғин ҳамда хусусий тиббий тузилмалар тиббий кадрлари малакасини ОИВ-инфекцияси йўналиши бўйича ошириш мақсадида ўқув режаси, ўқув материалларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўқитиш бўйича тренерлар тайёрлаш;
- аҳолининг ОИВ ва силни эрта аниқлаш ва даволаш учун тиббий муассасаларга ўз вақтида мурожаат этиши бўйича хабардорлик даражасини кучайтириш;
- бизнес тузилмаларни ОИВ инфекциясига доир ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга янада фаолроқ жалб қилиш².

ННТ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларини жалб этишни фаолластириш ҳамда мавжуд ўқув дастурларини таомилластириш, ОИВ/ОИТ-Сни профилактика қилиш масалалари бўйича ихтисослашган ахборот-таълим дастурларини тиббий ва педагогик кадрлар иштирокида ишлаб чиқиш зарур.

Наркотикларни инъекция орқали истеъмол қилувчилар ва рағбат эвазига интим хизматлар кўрсатувчи шахслар энг заиф гуруҳлар ҳисоблангани муносабати билан уларни ишонч хоналарига аҳоли заиф гуруҳлари саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича фаолият юритаётган ННТлар иштирокида жалб қилишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш зарур.

С гепатитини юқтириб олган шахслар сони кўпайишини ҳисобга олиб, ўзбек тили (кирил ва лотин алифбоси)да нафақат ОИВ инфекцияси, балки С гепатити ҳақида

² ОИВ инфекцияси, сил ва безгак тарқалишига қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ҳамда ҳамда донор ташкилотларини тадбирларни амалга оширишга жалб қилиш бўйича Идоралараро эксперт кенгаси хузуридаги Мониторинг ва баҳолаш бўйича Ишчи гурухининг 2018 йилдаги ҳисоботи

ҳам ахборот материалларини вилоят ОИТСга қарши курашиш марказларининг манзил ва телефон рақамларини кўрсатган ҳолда тайёрлаш ва нашр этиш, шунингдек, ОИВ билан яшовчи шахслар учун ахборот материалларини тайёрлаш зарур.

Кам таъминланган оиласалардаги bemорларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрса-тиш мақсадида ижтимоий ёрдам кўрсатиш мезонларини ишлаб чиқиш, эмизикли гўдаклари бўлган ОИВни юқтириб олган оналарни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ОИВ билан яшаётган болаларнинг ижтимоий таъминотига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Аҳоли, шу жумладан, ёшлар учун мўлжалланган мавжуд маърифий дастурлар сифати, самарадорлигини белгилаш ва такомиллаштириш мақсадида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзига бағишлиланган тадқиқот ўтказиш мақсаддага мувофиқ.

Учинчи бўлим.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли

Республикада аҳолининг заиф гуруҳлари учун профилактика хизматларидан фойдаланиш имконияти ва доирасини кенгайтириш борасида фаол ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, наркотикларни инъекция орқали истеъмол қилувчилар орасида ишонч хоналарини қўллаб-қувватлаш ва аутрич ишлар орқали наркотиклардан зарарни камайтириш дастури бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, республика бўйича 140 дан зиёд «Ишонч хоналари» фаолият юритмоқда. Барча ишонч хоналари профилактика воситалари (бир марталик шприцлар, ҳимоя воситалари, ахборот-таълим материаллари ва х.) билан таъминланмоқда.

2017 йилда 30081 дан ортиқ наркотикларни инъекция орқали истеъмол қилувчилар профилактик тадбирлар билан қамраб олинган, уларга 5723144 дона бир марталик шприцлар ва 2230160 дона ҳимоя воситалари тарқатилган. Уларнинг 13053 дан зиёди ОИВга текширувдан ўтказилган.

Бундан ташқари, ОИТСга қарши курашиш ҳудудий марказлари ва ННТларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари била республиканинг барча 14 та маъмурий ҳудудида рағбат эвазига интим хизматлар кўрсатувчи шахслар орасида профилактика тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017 йилда 15640 дан зиёд рағбат эвазига интим хизматлар кўрсатувчи шахслар профилактик тадбирлар билан қамраб олинган, уларга 2083424 дона ҳимоя воситалари тарқатилган. Уларнинг 6640 дан ортиғи экспресс ва иммунофермент таҳлил усулали билан ОИВга тест текширувидан ўтказилди¹.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари наркотикларни инъекция орқали истеъмол қилувчилар, рағбат эвазига интим хизматлар кўрсатувчи шахслар ва ОИВ/ОИТС билан яшовчи одамларга кенг хизмат турларини тақдим этишда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3493-сонли «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитеттанқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган 2018 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш Давлат дастурига мувофиқ, фуқаролик жамиятини ОИВ инфекциясига қарши курашиш тадбирларига кенг жалб қилиш кўзда тутилган.

Жамоат ташкилотлари ўртасида нодавлат нотижорат ташкилотларини ОИВ инфекциясига қарши курашиш соҳасидаги профилактик фаолиятга жалб қилиш, ОИВ инфекцияси бўйича профилактик ишлар усуllibарига ўргатиш бўйича тадбирларни ўтказиш борасида комплекс дастур амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимиздаги диний конфессиялар вакиллари маънавият, одоб-аҳлоқни шакллантириш, таваккалчилик ҳулқ-атворнинг олдини олиш, ОИВ муаммосига дуч келган одамларга нисбатан бағрикенглик муносабатда бўлиш бўйича ахборот ишларига кенг жалб этилмоқда.

Барча ҳудудларда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ОИВ инфекциясини профилактика қилиш борасида идоралараро ёндашув ва ижтимоий шериклик тизими мавжуд.

1 http://www.unaids.org/sites/default/files/documents/UZB_2018_countryreport.pdf

Хусусан, «INTILISH» ахборот-таълим маркази жамоат соғлиқни сақлаш, ижтимоий ривожланиш, аҳоли ва алоҳида заиф гуруҳлар маданий ва таълим даражасини ошириш соҳасида давлат дастурлари, нодавлат ташкилотлар ва бирлашмалар (шу жумладан, хорижий ва халқаро) дастурларини амалга оширишга кўмаклашади, таълим ва ижтимоий хизматларни ташкил этади.

Ташкилот, шунингдек, гиёхвандлик, ОИВ/ОИТСни даволаш ва профилактика қилиш, наркотикларни истеъмол қилишни тўхтатган шахслар, ОИВни юқтириб олган ва ОИТС билан касалланган bemорлар ижтимоий мослашувининг энг самарали ва илмий асослантирилган усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадида илмий тадқиқотларни амалга оширади ҳамда ёшлар ва ўсмирлар бандлигини ошириш ва маданий-таълим ҳордик чиқаришини кенгайтириш мақсадида ўзининг ўқув ва таълим дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

«Ишонч ва ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти – бу ОИВ/ОИТСни юқтириб олган одамлар бирлашмаси бўлиб, у ОИВни юқтириб олган шахслар ва мутахассисларни ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилик, ўзини ўзи бошқариш ва ошкоралик тамойиллари асосида ихтиёрий равишда бирлаштирган ташкилотdir.

Ташкилот ОИВ инфекциясини юқтириб олган одамлар руҳий-ижтимоий ҳолати ва турмуш сифатини яхшилашга кўмаклашади, стигмага қарши иш юритади ва жамиятда бу тоифадаги одамларга нисбатан бағрикенглик муносабатини шакллантириш, уларни қарорлар қабул қилиш жараёнларига жалб қилиш ҳамда Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси эпидемиясининг олдини олишда фаол иштирок этишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

«Ўзбекистон саратонга қарши жамияти» нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятида асосий эътиборни ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсларга паллиатив ва хоспис тарзидағи ёрдам кўрсатиш, уларга юридик маслаҳат беришни ташкил этиш, ОИВ/ОИТС масалалари бўйича ахборот-таълим ишларини амалга ошириш, ОИВ/ОИТС нуқтаи назаридан оппортунистик хизматларни тадқиқ этиш бўйича лабораториялар яратишга қаратади.

2013 йилдан бошлаб республикада мультидисциплинар жамоалар фаолият юрита бошлади, улар «Ўзбекистон саратонга қарши жамияти» ва ОИТСга қарши курашиш марказлари ташаббуси билан ташкил этилди. Мультидисциплинар жамоалар диспансер кузатув дастурларига киришишда ва ретровирусга қарши терапияда ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлашни ҳамда ижтимоий-маиший масалалар бўйича хизматларни амалга оширади. Мультидисциплинар жамоалар ОИТС хизмати ташкилотлари ва умумий соғлиқни сақлаш тармоғи муассасалари ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланади. Шундай қилиб, турли даражада ва йўналишдаги ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий-психологик хизматлар изчиллиги таъминланади.

Ўзбекистон Репродуктив саломатлик ассоциацияси аҳолига жинсий, репродуктив саломатлик масалалари ҳамда эркаклар ва аёлларнинг келгуси авлод соғлиғи учун жавобгарлигини англаб этишга кўмаклашувчи ҳуқуқлар бўйича ахборот хизматларини тақдим этадиган, шунингдек, фаолияти репродуктив ва жинсий саломатликни сақлаш ва ёшларни баркамол аҳлоқий-жинсий тарбиялашга қаратилган инсонлар бирлашмасидир.

ННТ шаклидаги «**Истиқболли авлод**» ахборот-маърифий марказининг ҳамкорлик тармоғининг фаолияти аутрич ишлар (кўчада амалга ошириладиган ижтимоий ишлар)ни кучайтириш орқали аҳолининг алоҳида заиф қатламлари орасида ОИВ инфекциясини юқтириб олиш хавфини камайтиришга қаратилган.

Хулоса

ОИВ/ОИТСга қарши курашиш ишига содиқлиқ тұғрисидаги Декларацияда Бирлашған Миллатлар Ташкилоти Бөш Ассамблеяси БМТнинг барча муассасалари, мінтақавий ва халқаро ташкилотларни ҳамда низолар, гуманитар инқиrozлар ёки табиий оғатларға мойил бўлган мамлакатлар ва мінтақаларга халқаро ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотларни тезкор равишда ўз режалари ва дастурларига ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш элементларини киритишга чақириди.

Шундан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши курашиш бўйича соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш ва ОИВ инфекцияси бўйича вазиятни барқарорлаштиришга эришиш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда, жумладан, ОИВ инфекциясининг профилактикасига қаратилган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилмоқда, ретровирусга қарши препаратлар билан таъминлашга давлат бюджетидан молиялаштиришни босқичма-босқич ошириш кўзда тутилмоқда, ОИВ инфекциясини профилактика, диагностика қилиш ва даволаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида ахборот-маърифий ишлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги Қарори ва 2018 йил 22 июндаги «Одамнинг иммунитеттанқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида»ги Қарори хизмат қилиб, мазкур ҳужжатлар мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш ҳамда ОИВни ташхис қилиш соҳасида замонавий ва сифат жиҳатидан янги даражага ошириш, инфекцияни эрта аниқлашни таъминлаш, профилактик тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ва ОИВ инфекциясини юқтириб олганларга тиббий ёрдамни тақдим этиш, халқаро ва хорижий турдош илмий-амалий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, ОИВ инфекциясининг олдини олиш масалаларига фуқаролик жамиятини кенг жалб қилишга қаратилган.

Шу муносабат билан келгусида қуйидаги масалаларни ҳал этишга эътибор қаратиш лозим:

- ОИВ ижобий мавқеига эга одамларга адекват муносабатни шакллантириш ва уларни дестигматизациялаш бўйича узоқ муддатли ишлар алоҳида аҳамиятга эга. Тўлақонли хизматлар комплекси – профилактика, тестдан ўтиш, маслаҳат бериш, парваришилаш, даволанишдан фойдаланишга тўсиқ бўлувчи асосий сабаблардан бири бу ОИВ муносабати билан стигма ва камситишdir. ОИВни юқтириб олган одамларга нисбатан стигма ва камситиши камайтиришга қаратилган чоралар ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши курашиш бўйича қабул қилинаётган ҳужжатларнинг дикқат-марказида бўлиши керак. Бундай чора-тадбирлар, бир томондан, ОИВни юқтириб олганларни ва уларнинг атрофидагиларни ҳимоялаш, бошқа томондан – ОИВ инфекцияси тарқалишини пасайтиришга хизмат қиласи;
- ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича дастлабки босқич ОИВ/ОИТС нуқтаи назаридан болалар хуқуқларини ҳимоя қилиш, ОИВни юқтириб

олган болалар ва ушбу пандемияга дуч келган болаларни профилактика қилиш, қўллаб-қувватлаш, даволаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни таъминлашдан иборат. ОИВ/ОИТС нуқтаи назаридан бола ҳуқуқлари болаларнинг барча ҳуқуқлари, биринчи навбатда, камситилмаслик ва уларнинг энг мақбул манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қамраб олади. Шу муносабат билан ОИВ инфекциясини юқтириб олган одамлар фарзандликка олиш жараёнини қайта кўриб чиқиш долзарб аҳамият касб этади;

- дунёда ОИВ инфекцияси тарқалишининг хотин-қизлар аҳволи ёмонлашувига се- зиларли таъсири кузатилмоқда, шу муносабат билан хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эҳтиёжларига, улар камситилишига йўл қўймасликка ҳамда ОИВ инфекциясини профилактика қилишда фаол иштирок этишларига алоҳида эътибор қаратиш зарур;
- наркотикларни инъекция орқали истеъмол қилувчилар орасида ОИВ инфекциясини профилактика қилиш – бу нафақат соғлиқни сақлаш, балки ижтимоий соҳанинг муаммосидир. Шу боис сиёsatни шакллантирувчи шахслар, соғлиқни сақлаш раҳбарлари, ички ишлар органлари масъул ходимлари жамоа саломатлиги ва осойишталигига хизмат қилувчи қарорларни қабул қилиш учун зарур тайёргарликка эга бўлиши зарур;
- соғлиқни сақлаш соҳасида таълим кампанияларини ўтказувчи оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда педагоглар ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам хизматлари ходимларини ўқитиши;
- ОИВ/ОИТСни даволаш ва профилактика қилиш усусларини белгилаш учун на- фақат тиббий-биологик тусда, балки ҳуқуқий, ижтимоий, маданий ва ҳулқ-атвор нуқтаи назаридан ОИВ/ОИТС соҳасида миллий илмий-тадқиқот салоҳиятни яратган ҳолда илмий тадқиқотларга инвестицияларни кўпайтириш мақсадга муво- фикдир.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш масалалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
4. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, 18.11.1991 й.
6. Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни, 29.08.1996 й.
7. Ўзбекистон Республикаси «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонуни, 30.08.2002 й.
8. Ўзбекистон Республикаси «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, 23.09.2013 й.
9. Ўзбекистон Республикаси «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни, 26.08.2015 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони, 19.09.2007 й.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «ОИТС, сил ва безгак касалликларига қарши куаш бўйича Халқаро глобал жамғармаси грант маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 03.04.2006 й.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 26.12.2008 й.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 12.12.2013 й.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 25.01.2018 й.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 22.06.2018 й.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, 25.08.2003 й.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 05.01.2009 й.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори , 22.07.2013 й.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Одамнинг иммунитет тарқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори, 10.09.2014 й.
20. Ўзбекистон Республикасининг 10.01.2017 йилдаги №0342-17-сонли «Ички касалхона инфекциялари профилактикаси»санитария қоидалари ва меъёрлари, гигиена нормативлари.
21. Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2017 йилдаги №0349-17-сонли санитария қоидалари ва меъёрлари, гигиена нормативлари.
22. Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Қамоқقا олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги буйруғи, 22.12.2000 й.
23. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ОИВ инфекцияси бўйича миллий клиник баённомаларни амалиётга жорий этиш тўғрисида»ги 277-сонли буйруғи, 13.07.2018 й.
24. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 336-сонли буйруғи, 24.05.2018 й.

